

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2024 йил сентябрь ойининг 12 куни, Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: Н.Мирзажонов,

ҳайъат судьялари: У.Солиев ва Ф.Собировдан иборат таркибда, Ш.Алибоевнинг котиблигида, тарафлардан Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ш.Муратов, химоячи Н.Юлдашева, судланган [REDACTED] нинг иштирокида, [REDACTED] оид жиноят ишини унинг апелляция шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2024 йил 8 августдаги ҳукмига кўра:

[REDACTED] фарзанди бор, судланмаган, мавсумий ишчи, Андижон тумани, Қурама МФЙ, Серфайз кўчасида яшаган, иш бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган [REDACTED] ичга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, 2024 йил 10 май куни соат 15.30 ларда Андижон вилояти ИИБ ТҚХ ЖҚБ, ИИБ ЖХХ ЖТСБ ва ППХБ ҳамда Андижон шаҳар ИИО ФМБ ТҚХ ЖҚБ тезкор ходимлари ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 14-16-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрель кунги № 12-сонли қарорининг 33-банди талабларига асосан ўтказилган “Назорат тартибида гиёҳванд моддасини харид қилиш тадбири” давомида, Андижон шаҳар Ўзбекистон МФЙ ҳудудида тадбирга холис харидор сифатида жалб қилинган шахсга, иш юзасидан ўтказилган судга оид кимёвий экспертизасининг 2024 йил 10 майдаги 429-сонли хулосасига кўра, соф оғирлиги 0.45 гр бўлган озгинадан



кўпроқ микдордаги “гашиш” гиёҳвандлик воситасини 100.000 сўм эвазига сотган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Судланган [REDACTED] апелляция шикоятда, айбига иқрор ва килмишидан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, оилада ёлғиз боқувчи эканлигини, қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, турмуш шароити оғирлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраган.

Судлов хайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Ф.Собировнинг маърузасини, прокурор Ш.Муратовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, ҳимоячи Н.Юлдашева, судланган [REDACTED] ларнинг апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоят важларини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд ҳукмида, иш тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган [REDACTED] эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, судда текширилган далиллар-судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун етарли деб ҳисобланиб, юқоридаги жиноятларни содир этганликдаги айби ўзининг айбига иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, гувоҳ Ф.Олимовнинг биринчи инстанция судидаги кўрсатуви, шунингдек иш ҳужжатларидаги пулларни холис харидорга тақдим қилиш, тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш, далилий ашёларни олиш ва кўздан кечириш, олинган моддани соф вазнини аниқлаш, тинтув, кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари, судга оид кимёвий, наркология экспертизаси хулосалари ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд муҳокамасида текширилган бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланганлиги ҳақида асосли хулосага келиниб, унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 6-бандида, судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарурлиги, бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;



2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олиш лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Биринчи инстанция суди, [REDACTED] нисбатан юқорида қайд этилган Конституция, Қонун ва Пленум қарорлари талабларига риоя қилиб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олган ҳолда ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳамда жазони умумий тартибли колонияда ўташни белгилаш ҳақида тўғри тўхтамга келган.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддасига кўра, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

ЖПКнинг 497²⁶-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси, агар чиқарилган суд ҳукми моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлигини аниқласа, ҳукмни ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақлидир.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси [REDACTED] оид суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, ҳукмни ўзгаришсиз, унинг апелляция шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497²⁶, 497³¹-моддаларига асосланиб, апелляция инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:



